

"Маданият ва санъат ходимлари кунини" муносабати билан байрам тадбири ўтказилди



Термиз туманидаги 13-сонли болалар musiқа ва санъат мактабида 15 апрель – Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ходимлари кунини муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Раҳматилла Тоғаев иштирок этиб, барчани байрам билан самимий табриклади, келгусидаги ижодий фаолиятларида юксак омадлар тилади.

Концерт дастури давомида туман маданият бўлими санъаткорлари ва ёш ижодкорлари томонидан жонли куй-қўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Тадбир давомида бир гуруҳ соҳа ходимлари туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Шунингдек, узоқ йиллар соҳада фаолият юритган фахрий устозлар хонадонларига ташриф буюрилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.